

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ТАРБИЯГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Шахс камолотида тарбиянинг ўрни беқиёс. Кўхна Шарқда тарбияга ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралгани боиси шунда. Модомики авлодлар камолоти тарбия билан чамбарчас боғлиқ экан, жамият тараққиётини ундан айри тасаввур этиб бўлмаслиги аён. Мутафаккир аждодларимиз шунинг учун ҳам бу масалага ҳаёт-мамот масаласи деб қараган. Уларнинг жаҳон бадий тафаккури хазинасидан муносиб ўрин олган асарларида тарбиянинг шакс камолоти, эл равнақи, юрт истиқболида тутган ўрни юксак баҳоланган. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий асарларида барча замонлар учун долзарб саналган бу муаммо оҳорли бадий образ ва тимсоллар воситасида бетакрор талқин этилган.

“Ҳайрат ул-аброр” достонида буюк шоир тарбиянинг

аҳамиятини мана бундай васф этади:

Қатрага чун тарбият этти садаф,
Эл бошига чиққуча топти шараф.

Халқимизда “Садафсиз дур бўлмас, тикансиз – гул”, деган нақл бор. Ушбу байтда қатранинг гавҳарга айланиши ва бошга қадалиш даражасига етиши садафнинг тарбияси туфайли экани бетакрор поэтик ифодасини топган. Садаф – ота-она ва устоз, қатра эса – фарзанд ёки шогирд тимсоли. Достонда асосан ота-она мазмунида келган. Садаф тарбият этмаса, қатра ҳеч қачон гавҳарга айланмайди. Яъни ота-она ҳамда устоз таълимини олмаган фарзанд камолга етмоғи маҳол. Бу жараён муайян вақт ҳамда меҳнат ва заҳмат талаб қилиши аён. Гавҳарни қўлига олган ёки бошига қадаган одам унинг кўзни шунчалик қувонтирадиган,

қимматбаҳо ашёга айланмоғи учун қандай жараёнларни бошдан кечиргани хусусида ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ҳаётда ҳам шундай. Комил инсонни кўрганда ҳамма ҳавас қилади. Лекин у ана шу даражага қандай машаққатлар билан, қай бир меҳридарё ота-она ёки фидойи устоз тарбияси эвазига эришгани ҳар доим ҳам мушоҳада этилавермайди. Буюк шоир бу образли тасвир орқали шахс тарбиясида ана шу сиймоларнинг хизмати беқиёс эканига урғу беради.

Қуёшдин тарбият гар топса хоро,

Қилур ёқут ила лаъл ошкоро.

Ёқут – турли рангда, лаъл эса, қизил тусда товланадиган қимматбаҳо маъдан. Хўш, улар кўзни қувонтирадиган, одамларда эстетик завқ уйғотадиган бу рангларни қаердан олади? Ҳазрат Навоийнинг фикрича, бу – қуёшдан тарбият топгани самараси. Агар қуёшдан ранг олмаса эди, улар оддий тошлигича қолар, одамларнинг қизиқишига сабаб бўлолмас эди. Табиийки, бу ўринда ҳам улуғ мутафаккир ёқут ила лаъл ҳақида сўз юритар экан,



байт замирига шахс камолоти хусусидаги теран фикрларини жойлаган. Яъни инсон камолотини белгиловчи асосий мезон – тарбия. Чинакам тарбиягина одамнинг имкониятларини оширади, жамиятга наф етказиш борасидаги салоҳиятини юксалтиради.

Улуғ мутафаккир “Маҳбуб ул-қулуб” асарида тарбияга доир мана бундай муҳим фикрни билдиради: “Қобилға тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият – ҳайф. Ани адами тарбият била зоеъ қилма ва мунга тарбиятингни зоеъ қилма”. Яъни, ҳазрат Навоий фикрича, қобил болани муносиб тарбия қилмаслик – зулм. Ноқобилни тарбия этишга сарфланган вақт ва қувват – ҳайф. “Адами тарбият” – тарбия фурсатини бой бериш, тарбия бермаслик. Демак, вақтни ғанимат

билиб, қобилни тарбия қилмоққа ғайрат қилиш зарур. Ноқобилга эса тарбияни зое қилмаслик керак, барибир фойдасиз. Асарда ушбу фикрлар исботи учун бир қитъа келтирилади:

Қобилга тарбият эрур ул навъким, гуҳар

Тушса нажосат ичра юғай кимса ани пок.

Гар ит узумиға киши май бирла берса сув,

Бу тарбият била қила олғайму ани ток.

Қитъада қимматли фикр ифодаланган: нажосатга тушган гавҳарни бир кимса ювса, пок бўлгани сингари қобил фарзанд тарбия туфайли камолга эришмоғи мумкин. Лекин нечоғлиқ парвариш қилинмасин, итузумни тоққа айлантиришнинг иложи йўқ.

Буюк ижодкор тарбиянинг аҳамиятини ана шундай оҳорли талқин этиш баробарида ушбу фазилатларни мужассам этган бетакрор образлар яратди. Бу образлар, беш ярим асрдан ошяптики, авлодларга камолот сабоқларини бериб келади. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида қуйланган, бугунги кун учун

ҳам муҳим бўлган ана шундай фазилатлардан айримларига тўхталиб ўтиш зарурати сезилади:

Ватанпарварлик

Буюк ижодкор Ватанни севмоқ комилликнинг, иймоннинг муҳим шарти эканини таъкидлайди. “Садди Искандарий” достонида бу ҳақдаги машҳур ҳадис мазмунини гўзал бадиий талқин этар экан, авлодларга: “Ватан ҳубби иймон нишонидурур”, дея таълим беради. Шундай бўлгач, Ватанни ғанимлардан ҳимоя қилмоқ, зарур бўлса, бунинг учун курашмоқ ҳар бир фарзанд учун бурчдир. Бу гоё мазкур дostonда қуйидагича ифодаланган:

Иёлу ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

“Иёл” сўзига “Навоий асарлари луғати”да: “Хотин, болачақа; оила”, дея изоҳ берилган. Демак, улуғ бобокалонимиз фикрича, ватанпарварлик оиланинг осойишталиги, Ватанининг тинчлиги учун бор имконини ишга солиб, жони борича курашмоқ, зарур бўлса ҳарб этмоқ – қурол кўтармоқдир. Чунки Ватан ҳимояси – бурч ва

масъулият, шон-шараф ва ор-номус масаласидир. Барча замонлар учун долзарб бундай фикрлар улуг ижодкор асарларида кўп учрайди. Мана, шундай фикрлардан яна бири:

Ватан таркини бир нафас айлама,

Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Ватандан айри тушмоқ – улкан фожа. Ватанни тарк этмоқ ўзини машаққатлар гирдобига ташламоқ билан баробардир. Буни ҳазрат Навоий “ранжи ғурбатни ҳавас айлаш”, дея ифода этади. Тарих шоҳид, не-не тақдирлар гувоҳлик беради: инсон Ватандан йироқда ҳеч қачон бахтиёр бўла олмайди. “Ҳайрат ул-аброр”да шоир айни шу моҳиятни “Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон, Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон”, дея талқин этгани бежиз эмас.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг мана ўғити ҳам авлодлар учун алоҳида қимматга эга:

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,

Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Бу фикрлар буюк шоир асарларида Ватанга

муҳаббат туйғуси теран мазмун ва ғўзал бадий шакл уйғунлигида, авлодлар қалби ва шуурига чақмоқдек таъсир қиладиган тарзда ифодаланганидан далолат беради.

Элпарварлик

Ўзи мансуб бўлган улуг элга меҳр қўйиш, эл-улус бахтини ўз бахти, ғамини ўз ғами деб билиш шахс камолотининг муҳим шартларидандир. Ёш авлод қалбида ана шу туйғуни тарбиялаш – муқаддас бурч. Буюк Навоий асарларида бу ғоя етакчи мавқеда туради. Биргина мисол:

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,

Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Яъни мансаб-мартабаю мол-дунё – вақтинчалик, яхши ном эса абадий. Шундай бўлгач, ўзингни комрон кўргач, яъни баланд мавқега эришган чоғингда эл ҳожатини раво айламоқни одат қил – мана, улуг донишманд нима демоқчи! Аслида, ҳақиқий элпарварлик ҳам шуни тақозо этади. Лекин одамзод ҳаёти бир текисда кечмайди. Ҳазрат Навоий ҳар доим ана шундай бир хил фикрлаган, мудом бир хил

туйғуни ҳис этган десак, тўғри бўлмас. Ҳаёт деганлари анчайин мураккаб, зиддиятларга бой. Улуғ мутафаккир гарчи ҳаммага барабар яхшилик қилишни орзу этган, имкон қадар бунга эришган бўлса ҳам, аксар яхшилиги эвазига ёмонлик ҳам кўрган. Табиийки, бундан изтироб чеккан, руҳан эзилган, қарама-қарши туйғулар гирдобида қолган. Мана бу мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

Онча юзсизлик улустин
кўрмишам, гар берса даст,

Истарамким, кўрмасам
ҳаргиз бани одам юзин.

Ҳатто бир шеърда улуғ шоир “Парим бўлса учиб қочсам, улусдин то қанотим бор”, дейишгача борган. Лекин ҳазрат Навоийнинг буюклиги шундаки,

оний кайфиятдаги бундай кечинмаларни ирода қилиш, матонат қуввати билан енга билган; ҳаёт синовларига ҳикмат назари билан қарай олган. Айтишга осон, бунга эришмоқ ўз-ўзидан бўлмагани аён. Буюк мутафаккир зиддиятли кечинмалар гирдобидан чиқиш учун ҳикматни наинки топган, теран мазмун ва бетакрор бадиият уйғунлигида шеърга ҳам айлантирган:

Давр элида гар вафо йўқ, сен
вафо қилғил, валек

Кимни хушхол этсанг, андин
тут ўзунгга юз малол.

Вафо кўрмаганинг ҳолда вафо қилмоқ осонми? Сендан кўп яхшиликлар кўриб, хурсандчиликдан неча бор кўзларида ўт чақнаган одамдан юз малол келса, буни қандай қабул



қилиш керак? Бу саволларга жавоб бермоқ анчайин мушкул экани рост. Ҳазрат Алишер Навоий неча бор ана шундай қийин вазиятларга тушгани ҳолда “Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилгил”, деган тўхтамга келган. Таъкидлаш керак, фақат буюк сиймоларгина бундай хулоса чиқариши мумкин. Фақат улуғларгина ҳеч бир эвазсиз яхшилик қилмоққа қодир. Юрак ёлқини билан битилган мана бу сўзлар ҳам улуғ мутафаккирларгагина тан:

Улусқа ўт солур эрсанг мени бурун ўрта,

Нединки ўтни туташтурғоли керак хошок.

Элпарварликнинг бундан ҳам юксакроқ даражаси бўлиши мумкинми? Улусга фидойийликнинг мезони бўла оладиган бундай фикрга келиш учун элга муҳаббатнинг миқёси қанчалар баланд бўлиши керак ахир! Мана бу мисралар моҳиятан юқоридаги байтга ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,

Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Ўзимансуббўлганхалққамеҳр

қўймоқ қандай бўлишини ҳазрат Навоийдек улуғлардан ўрганиш керак. Элпарварлик бобида ҳам буюк бобокалонимиз авлодларга мудом сабоқ бериб келаётир.

Маърифат

Шахс камолоти, маърифат ва тарбия тушунчалари ўзаро шу даражада боғлиқки, уларнинг бирини иккинчисидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Ҳазрат Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида қушлар сафари тимсолида инсон камолотининг етти босқичи ҳақида сўз юритилади: талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано. Достоннинг махсус боби “Маърифат водийсининг васфи” деб номланган. Маърифат водийсини “дашти бепоён”га қиёслаган ҳазрат Навоий унда “ҳоллар мухталиф” (ихтилофли, бирбиридан кескин фарқ қилувчи – қавс ичидаги барча изоҳлар бизники – Н.А.) эканини таъкидлар экан, “Водиедур юз туман минг онда йўл” дея одамларнинг маърифий даражаси турлича бўлишига ишора қилади. Улуғ шоирнинг “жузв ила кул” – бўлак ва бутун, тараққий ва таназзул ихтилофи ҳақидаги фикрлари ҳам

буни тасдиқлайди.

Муаллиф фикрича, бу водийда “юз туман раҳрав”ни (йўловчини) кўриш мумкин. Пашша ҳам, фил ҳам, Жибрил ҳам йўлда. Мусою Фиръавн, Маҳдийу Дажжол, Аҳмад ва Абу Жаҳл ҳам раҳрав. Шундай бўлгач, улуғ шоир таъбири билан айтганда: “Мухталиф бўлмай не бўлсун мунда иш”. Ушбу мулоҳазалари тасдиғи учун ҳазрат Навоий Ҳаққа элтувчи йўллар сони халойиқнинг нуфуси билан баробар экани ҳақидаги ҳадисни келтиради. Бошқача айтганда, маърифати даражасига кўра, ҳар бир одам ўз йўлини тўғри деб билади. Улар ўртасидаги ихтилофнинг сабаби ҳам шунда. Танлаган йўллари эгри ёки тўғри, яқин ёхуд йироқ, кўпраги дурд (қуйқа), озроғи соф бўлса-да, аслида ҳаммасининг мақсади, тўғрироғи, даъвоси бир – ҳақиқат.

Гарсулукатворидатағйирэди,
Мақсади лекин борининг
бир эди.

Достоннинг мазкур бобида ҳазрат Навоий бир ҳикоят келтиради. Унда ёзилишича, бир неча кўзи ожиз кимса маълум муддат мусофирлик сабабми, асир тушибми, Ҳиндистонда

бўлади. Тақдир инояти билан ўз юртларига қайтиб келганида бир киши улардан сўрайди: “Филни кўрдиларингми?” Кўрлар тасдиқ ишорасини қилади. Бунга далил келтиринг, дейди. Табиийки, улар филни кўрмаган, у ҳақда сўраб ҳам олмаган эди. Кўрларнинг ҳар бири филнинг қайси аъзосини пайпаслаган бўлса, шунгагина асосланиб жавоб бера кетади. Оёқларини силагани фил бу – “сутун” деса, қорнини пайпаслагани “бесутун” дейди. Хартумини ушлаб кўргани филни аждаҳога, тишларига қўли теккани уни суякка менгзайди. Қуйруғини силагани илонга, бошига қўл ургани қиянинг тумшуғига, қулоғини ушлагани эса елпиғичга қиёслайди.

Гарчи кўрларнинг сўзи фил ҳақида эмас, унинг муайян аъзолари хусусида эканини билса-да, “пилбонлиғ шевасида устод” бўлган ҳакими комил уларнинг сўзини рад этмайди.

Деди: “Ҳар бир улча воқиф эрдилар,

Пил ҳолидин нишоне бердилар”.

Қиссадан ҳисса шуки, маърифатда комил бир мақомга

эришмаган киши бамисоли ўша кўрларнинг ҳолига тушади. Ўзи “ушлагани”нигина ҳақ деб билиб, бошқалар билан ихтилофга боради, мунозара қилади.

Ҳаёт – инсонга чинакам маърифатга, камолотга эришмоқ учун берилган имкон. Бунинг асосий омили эса – тарбия. Ҳар ҳолда, мутафаккир аجدодларимиз шундай деб ҳисоблаган. Камолга эришмай, “жаҳондин нотаом ўтмак”ни ҳазрат Навоий бамисоли ҳаммомга кириб нопок чиқишга менгзайди. Камолга эришмоқ эса юксакмаънавий-маърифий тарбия самараси. Биз жаҳоннинг тарбия борасида ҳам беқиёс меросга эга санокли халқларидан биримиз. Бу соҳада буюк мутафаккир Алишер Навоий мероси ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилмоқда.